

**Қисқа метражли фильмлар лойиҳалари  
танлови тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Кинематографияни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази” ННТ (кейинги ўринларда – Марказ) Уставида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, қисқа метражли фильмлар лойиҳаларини саралаш бўйича танлов (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилди:

**адабий сценарий** – фильм эпизодларидаги кўриш ва овозли тасвирлар матнда ифода этиладиган, фильм ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ бўлган ўзига хос тугал бадиий асар;

**синопсис** – адабий сценарийнинг қисқача баёни ва сюжети моҳияти;

**қисқа метражли фильм** – маълум бир ижодий ғоя асосида бадиий ёки ҳужжатли-бадиий шаклда яратилган, бир-бири билан боғлиқ бўлган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида қайд этилган, кўриб ва эшитиб идрок этиш учун мўлжалланган аудиовизуал асар.

3. Қуйидагилар танловнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

миллий кинематографияни жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги ролини ошириш, миллий кино санъати кадрларини асраш ва ривожлантириш;

қисқа метражли фильмларни (кейинги ўринларда – фильмлар) ишлаб чиқариш учун лойиҳаларни саралаш, уларни молиялаштириш;

фильмларнинг бадиий даражаси ва унинг томошабоплигини ошириш;

профессионал ижодкорлар ва ёш истеъдод соҳиблари ижодини қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳалари асосида яратилган фильмларни маҳаллий ва нуфузли халқаро кинофестивалларга тавсия этиш.

**II. Танлов иштирокчилари**

4. Танловда ўзи тақдим этган лойиҳа асосида қисқа метражли фильмни суратга олишни истовчи барча ёшдаги профессионал ва ҳаваскор (кейинги ўринларда – талабгорлар) қатнашиши мумкин.

5. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган лойиҳаларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари шарт.

6. Танловга тақдим этилган лойиҳа асосида ишлаб чиқариладиган қисқа метражли фильмнинг давомийлиги **15 дақиқадан ошмаслиги керак**. Шу билан бирга, тақдим қилинган лойиҳа асосида илгари фильм суратга олинмаган бўлиши шарт.

### III. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар

7. Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар (кейинги ўринларда – материаллар) тақдим қилинади:

7.1. ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича танловда қатнашиш учун ариза;

7.2. талабгорнинг паспорт нусхаси (яшаш манзили кўрсатилган ҳолда), ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича анкета-маълумотномаси ва 4 дона фотосурат (3x4 см ўлчамда);

7.3. адабий сценарийнинг 2 (икки) нусхадаги босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;

7.4. фильм синопсисининг 2 (икки) нусхадаги босма варианты ва pdf форматдаги электрон варианты;

7.5. сценарий муаллифи билан тузилган муаллифлик шартномаси нусхаси, агар адабий сценарий бошқа шахсга тегишли бўлса;

7.6. Қисқа метрларжли фильм лойиҳаси тақдимотининг 1 (бир) нусхадаги босма варианты ва PowerPoint дастурида тайёрланган электрон варианты;

Тақдимотда қуйидагилар акс этирилиши шарт:

фильм ғоясини тасвирий ифода этувчи постер;

фильмни суратга олишдан мақсад;

тахминий актёрлар таркиби (асосий персонажлар);

суратга олиниши фараз қилинган объектлар ва жойлар;

фильм бюджетининг бошланғич ҳисоб-китоби.

8. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган материалларни ўз маблағлари ҳисобидан тайёрлайдилар.

9. Материаллар давлат тилида ва (ёки) рус тилида тақдим қилиниши мумкин.

10. Адабий сценарий A4 форматдаги, варақнинг бир тарафига ёзилган қоғозда тақдим қилинади. Матн ёзишда қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан фойдаланилади.

11. Адабий сценарийнинг ҳар бир нусхаси талабгорнинг имзоси билан тасдиқланади. Электрон кўринишдаги адабий сценарий ва фильм лойиҳаси тақдимотининг PowerPoint дастурида тайёрланган электрон варианты maxsusDisk, USBflashёки бошқа электрон ташувчи воситаларда тақдим қилиниши мумкин.

12. Зўравонликни, порнографияни тарғиб қилиш, мамлакатда хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувликни бузиш, Ўзбекистон ҳақида нотўғри ахборот тарқатиши ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини бузиб кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда таъқиқланган лексикадан фойдаланилган адабий сценарий кўриб чиқилмайди.

13. Талабгор томонидан тўпланган материаллар “Танловга” белгиси билан Марказга юборилади ёки шахсан топширилади.

14. Танловда қатнашиш учун кўриб чиқишга тақдим этилган материаллар қайтариб берилмайди.

Агар материаллар почта орқали юборилган бўлса, алоқа бўлинмаси томонидан жўнатма қабул қилинган санадан қайд қилинади.

Тўлиқ ҳажмда жўнатилмаган ёки Марказ томонидан белгиланган охириги муддат тугаганидан кейин тақдим қилинган материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди.

15. Марказ танловда иштирок этиш учун тақдим қилинган материалларни такрорлаш йўли билан барчанинг эътиборига етказиш, учинчи шахсларга бериш ёки ундан бошқача тарза фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

16. Қўйидагиларга танлов ўтказилмайди:  
киносолномалар;  
тезкор видеотасвирга олиш зарурати юзага келган муҳим маданий ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этувчи ҳодисалар;  
ижтимоий йўналишдаги видеофильмлар ва роликлар.

#### **IV. Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари**

17. Қисқа метражли фильмлар лойиҳаларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш танлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Танлов комиссиянинг таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Танлов Марказ томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

Танлов комиссияси таркиби беш кишидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади. Танлов комиссияси таркибига маданият ва санъат арбоблари, киношунослар, сценарист ва режиссёрлар, кино ишлаб чиқарувчилар вакиллари киритилади. Зарур ҳолларда, танлов комиссияси ишига мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Танлов комиссияси аъзоси талабгор сифатида танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

18. Танлов ўтказиш тўғрисида ахборотлар (эълонлар) уни ўтказишдан камида 20 кун аввал Марказ веб-сайтида, бошқа босма ва электрон оммавий-ахборот воситаларида жойлаштирилади. Ахборотда танлов ўтказиш тартиби ва шартлари, талабгорлар томонидан тақдим қилинадиган материалларни баҳолаш мезонлари, шунингдек бошқа зарурий маълумотлар кўрсатилади.

19. Лойиҳаларни баҳолашда қўйидаги мезонларга асосланилади:

ўзига хос янги ижодий ғоя ва фикрлардан фойдаланилганлиги, мавзунинг долзарблиги;

адабий сценарийнинг бадиий сифати;

лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, тарбиявий йўналиши, маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг тарғиб қилинганлиги;

лойиҳанинг самарадорлигини тавсифловчи бошқа мезонлар.

20. Танлов комиссияси раиси танловда қатнашиш учун материаллар тақдим этишнинг охириги муддати тугаганидан кейин танловни ўтказиш вақти ва жойини белгилайди.

21. Танлов талабгорларнинг иштирокида ўтказилиб, улар қисқа метражли фильм лойиҳасини тақдимот қиладилар.

22. Танлов комиссияси:

22.1. танловга тақдим этилган материалларни, ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлигини баҳолайди;

22.2. зарурат бўлган ҳолларда, тақдим этилган материалларга тааллуқли қўшимча маълумотларни талабгорлардан сўраб олади;

22.3. битта энг яхши қисқа метражли фильм лойиҳасини танлаб олади.

23. Танлаб олинган энг яхши қисқа метражли фильм лойиҳаситанловнинг охириги куни, тантанали ёпилиш маросимида эълон қилинади.

24. Танлов натижалари тўғрисидаги ахборот 1 кундан ортиқ бўлмаган муддатда Марказ веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

## **V. Яқуний қоидалар**

25. Марказтанлаб олинган энг яхши қисқа метражли фильм лойиҳаси асосида фильмни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича талабгор билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузади.

26. Фильмни ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш Марказ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

27. Марказ танланган лойиҳа асосида яратилган фильмдан фойдаланишда қонун ҳужжатларида кўрсатилган мутлақ ҳуқуқларга эга бўлади ва муаллиф(лар)нинг исми-шарифини кўрсатган ҳолда фойдаланиш мажбуриятини олади.